

# **Инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларнинг лойиҳаолди ва лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш, комплекс экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги**

## **НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ва лойиҳа хужжатлари (кейинги ўринларда — хужжатлар)ни ҳамда уларни ишлаб чиқиш учун техник топшириқларни ишлаб чиқиш, комплекс экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом қўйидаги йўналишлар бўйича ишлаб чиқиладиган:

а) бюджет тизими бюджетлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг давлат ривожланиш дастурларини молиялаштириш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараккиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган:

намунавий ва такоран ишлатиладиган лойиҳалардан фойдаланиладиган инфратузилма лойиҳалари (ижтимоий соҳа ва уй-жой фонди объектларини қуриш) бўйича — намунавий лойиҳалар. Бунда келгусидаги лойиҳаларнинг намунавий лойиҳага мувофиқлигини экспертизадан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги «Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси» ДУК томонидан амалга оширилади;

якка тартибдаги ва бошқа инвестициявий ҳамда инфратузилма лойиҳалари бўйича — қиймати 10 миллиард сўм ва ундан ортиқ бўлган лойиҳалар. Бунда қиймати 10 миллиард сўмдан кам бўлган лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги «Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси» ДУК томонидан амалга оширилиши лозим;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида қарорлари асосида амалга ошириладиган, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар тақдим этишини кўзда тутадиган лойиҳалар (ушбу Низомнинг 3-банди **«а»**, **«б»** ва **«в»** **кичик бандларида** кўрсатилган лойиҳалардан ташқари);

в) хўжалик бошқаруви органлари, устав фонди (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик юритувчи субъектлар, давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга устав фонди (капитали)нинг 50 фоизи ва ундан ортиғи тегишли бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалга оширилаётган — қиймати 5 миллион АҚШ доллари эквивалентидан ортиқ бўлган лойиҳалар (ушбу банднинг **«а»** **кичик бандига** мувофиқ молиялаштириладиган лойиҳалардан ташқари);

г) молиялаштириш манбаидан қатъи назар, стратегик фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва/ёки қайта ишлашни кўзда тутувчи лойиҳалар (ушбу Низомнинг 3-банди **«б»** ва **«в»** **кичик бандларида** кўрсатилган лойиҳалардан ташқари) хужжатларига татбиқ этилади.

3. Ушбу Низом қўйидаги лойиҳаларнинг:

а) халқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлари иштирокида амалга ошириладиган;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан лойиҳани ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлашнинг алоҳида тартиби белгиланган;

в) маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимларга мувофиқ амалга оширилаётган;

г) молиялаштириш манбаидан қатъи назар, хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилаётган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларига киритилган (башарти бу ушбу Низомнинг 2-банди **«г»** **кичик бандига** зид келмаса) лойиҳалар бўйича хужжатларга татбиқ этилмайди.

Ушбу Низом, шунингдек, қийматининг 70 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларга, қолган қисмининг молиялаштириш манбаидан қатъи назар, татбиқ этилмайди (ушбу Низомнинг 2-банди **«г»** **кичик бандига** кўрсатилган лойиҳалардан ташқари).

4. Ушбу Низомнинг **2 ва 3-бандларида** белгиланган талаблардан қатъи назар, лойиҳа ташаббускорлари (буортмачилар) инвестициявий ва инфратузилма лойиҳалари бўйича ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК (кейинги ўринларда — Марказ)га комплекс экспертизадан ўтказиш учун ихтиёрий равишда ва шартнома асосида киритиши мумкин.

5. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ташаббускор (буортмачи) — лойиҳа ташаббускори бўлган давлат органлари, бюджет ташкилотлари, юридик ёки жисмоний шахслар;

инвестициявий лойиҳа — иқтисодий, ижтимоий ва бошқа фойда олиш мақсадида амалга оширилиши ёки инвестиция жалб қилиниши мўлжалланган лойиҳа;

инфратузилма лойиҳаси — паст рентабелли ёки рентабелсиз ижтимоий, йўл-транспорт, сув хўжалиги ва муҳандислик-коммуникация обьектларини қуриш, модернизациялаш, реконструкция қилиш ва кенгайтиришга қаратилган лойиҳа;

loyiҳaолди ҳужжатларини ишлаб чиқиши учун техник вазифа (кейинги ўринларда — техник вазифа) — лойиҳа учун ишлаб чиқилаётган лойиҳаолди ҳужжатларининг асосий йўналишлари, унинг техник тавсифи, сифат кўрсаткичлари ва техник-иктисодий талаблари, ҳужжатларни ишлаб чиқиши учун зарур таомилларни бажариш ва уларнинг таркиби бўйича кўрсатмалар, шунингдек, бошқа маҳсус талабларни белгиловчи ҳужжат;

ишлаб чиқувчи — ташаббускор (буортмачи) томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ёки шартнома асосида жалб қилинган, агар қонунчиликда мазкур фаолият тури билан шуғулланиши учун лицензия олиш назарда тутилган бўлса, тегишли соҳада обьектларни лойиҳалаштиришга лицензия олган, лойиҳа олди ёки лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқувчи ижрочи;

техник-иктисодий асослар ёки техник-иктисодий ҳисоб-китоб (кейинги ўринларда — ТИА/ТИҲҚ) — лойиҳанинг умуман энг кўп миқдордаги қийматини ва молиялаштириш эҳтиёжи ҳажмини кўриб чиқилган молиялаштиришнинг дастлабки шартларини ҳисобга олган ҳолда белгилаб берувчи муқобил варианtlарни ўрганиши асосида лойиҳани амалга оширишнинг энг самарали техник-технологик ва ташкилий ечимини танлашни асослаб берувчи лойиҳа олди ҳужжатлар;

ишчи лойиҳа (кейинги ўринларда — ИЛ) — энг кўп қиймат акс этган асосий техник-иктисодий кўрсаткичлар ва ишчи ҳужжатлар бўлган тасдиқланадиган қисм ҳамда ишчи чизмалар билан бирга тайёрланадиган техник лойиҳадан ташкил топган лойиҳа ҳужжати;

ишчи ҳужжатлар — алоҳида бинолар ва иншоотлар ҳамда иш турлари учун ишчи чизмалар жамланмасидан иборат лойиҳа ҳужжати. Мураккаб обьектлар бўйича ишчи ҳужжатларни тайёрлашда бутун бино ва иншоот учун ишлаб чиқиладиган ишчи чизмалари билан бирга лойиҳанинг аниқлаштирувчи материаллари бўйича кўшимча ўрганишлар амалга оширилади. Ишчи ҳужжатларда иш ҳаки ва асосий қурилиш материаллари харажатларидаги ўзгаришлар келтирилиши, спецификациялар, жихозлар ва маҳсулотларнинг тегишли турларига эса ўлчам схемалари, бино ва иншоот учун ишчи қурилиш чизмаларининг паспортлари тузилиши лозим. Қоидага кўра, ишчи ҳужжатлар белгиланган тартибда тасдиқланган ТИА/ТИҲҚ асосида ишлаб чиқилади;

тармоқ илмий-техник кенгаши (кейинги ўринларда — ТИТК) — дунё бозорларининг ривожи, илғор технологияларни жорий қилиш ва маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш йўналишларини инобатга олган ҳолда, лойиҳанинг асосий техник-технологик ечимларини унинг тармоқ ривожланиши истиқболларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан аниқлаш мақсадида ташабbусkor (буортмачи) қарори билан ташкил этиладиган коллегial орган;

стратегик фойдали қазилмалар — қимматли, рангли, камёб ва нодир металлар, углеводородлар, кўмир, уран.

6. Лойиҳа олди ҳужжатларни ишлаб чиқиши, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш ушбу Низомга **1-иловада** берилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

## **2-боб. Ҳужжатларни ишлаб чиқиши**

7. Техник топшириқ ташаббускор (буортмачи) томонидан тегишли вазирлик (идора) билан биргалиқда ишлаб чиқилади. ТИА/ТИХҚ ишлаб чиқиши учун техник топшириқнинг таркиби ушбу Низомга **2-илювага** мувофиқ белгиланади.

8. Лойиҳаларнинг лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиши қўйидаги шаклларда бажарилади:

а) лойиҳанинг ТИА/ТИХҚни ишлаб чиқилганидан сўнг унинг ишчи ҳужжатларини тайёрлаш;

б) ишчи лойиҳани ишлаб чиқиши.

*Олдинги таҳтирга қаранг.*

(9-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-73-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.12.2021 й., 07/21/73/1227-сон)

10. Лойиҳани амалга ошириш шартларига қараб, лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатлари қўйидаги шакллардан бирида ишлаб чиқилади (мазкур Низомнинг **3-илюваси**):

а) инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда — Марказда экспертизадан ўтказган ҳолда ТИА ишлаб чиқиши;

б) инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда — Марказда экспертизадан ўтказган ҳолда ТИХҚ ишлаб чиқиши;

в) молиялаштириш манбаидан қатъи назар, ахоли яшаш пунктларининг бош режаларида назарда тутилган, намунавий ва такроран қўлланиувчи лойиҳалардан фойдаланилган ҳолда куриладиган ижтимоий соҳа, йўл-транспорт, сув хўжалиги, муҳандислик-коммуникация ва бошқа инфратузилма обьектлари бўйича — экспертиза фаолиятини амалга оширишга лицензияга эга ташкилотларда экспертизадан ўтказган ҳолда ишчи лойиҳасини ишлаб чиқиши.

## **3-боб. Экспертиза ўтказиши**

11. Ҳужжатларни комплекс экспертизадан ўтказиши учун ташаббускор (буортмачи)лар Марказга қўйидаги ҳужжатларни ягона пакетга жамлаган ҳолда тақдим этадилар:

а) техник вазифа бўйича:

комплекс экспертиза ўтказиши учун ташаббускор (буортмачи) ва лойиҳа номи кўрсатилган ёзма буортманома;

техник вазифа лойиҳаси;

ТИК қарори баённомаси;

б) ТИА/ТИХҚ бўйича:

комплекс экспертиза ўтказиши учун ташаббускор (буортмачи) ва лойиҳа номи кўрсатилган ёзма буортманома, лойиҳанинг қиймати ва молиялаштириш манбалари, комплекс экспертиза ўтказиши учун тақдим этилаётган ҳужжатлар рўйхати;

мазкур Низомнинг **4-илювасига** мувофиқ бирламчи материаллар ва ҳужжатлар илова қилинган ҳолда, ТИА/ТИХҚ лойиҳаси.

Экспертиза учун киритилаётган ҳужжатларнинг тузилиши ва мазмuni мазкур Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос бўлиши лозим.

12. Марказ томонидан:

а) техник вазифа:

мазкур Низомнинг **2-илюваси** талабларига мувофиқлиги;

loyiҳa олди ҳужжатларини ишлаб чиқиши бўйича ишлаб чиқувчи олдига қўйилган мақсад ва вазифаларнинг имкони борича аниқ-равшанилиги ва асослантирилганлиги;

б) лойиҳанинг ТИА/ТИХҚ:

мазкур Низомнинг **4-илюваси** ва тасдиқланган техник топшириқ талабларига мувофиқлиги;

тасдиқланган ривожлантириш концепцияларини инобатга олган ҳолда (ривожлантириш концепциялари мавжуд бўлган тақдирда) лойиҳани амалга оширишнинг ижтимоий аҳамияти ва мақсадга мувофиқлиги;

лоиҳа натижасида кўзда тутилаётган маҳсулот ёки хизматга нисбатан мавжуд ва кутилаётган талаб;

техник-технологик ечимлар ва лойиҳада назарда тутилган ускуналар нархларининг чегараланган параметрлари;

лоиҳанинг молиявий-иқтисодий самарадорлиги ва сарфланган маблағларни қоплай олиши;

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси, норматив ҳужжатлар талабларига ва қабул қилинаётган қурилиш қийматининг юзага келган бозор конъюнктурасига мувофиқлиги жиҳатидан экспертиза қилинади.

Контрактлар ва импорт контрактларини экспертиза қилиш бўйича Марказнинг ижобий хulosаси олинган лойиҳалар ТИА/ТИҲҚдаги баҳоларнинг белгиланиши экспертизадан ўтказилмайди.

13. Ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш учун Марказ ва ташаббускор (буортмачи) ўртасида хизматлар кўрсатиш бўйича шартнома тузилади. Кўрсатиладиган хизмат нархи Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лойиҳа олди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 20 февралдаги ПҚ-3550-сон **қарорига** мувофиқ белгиланади.

14. Ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш қўйидаги муддатларда амалга оширилади: техник вазифа — ўн беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда;

ТИА/ТИҲҚ — ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда.

15. Экспертизадан ўтказиш муддатини ҳисоблаш:

лоиҳанинг техник вазифаси ва ТИҲҚ учун — буюртманоманинг Марказ канцеляриясида рўйхатдан ўтказилган кунидан;

лоиҳа ТИА учун — хизматлар ҳақи тўланганлиги тасдиқланган кундан бошланади.

16. Ташаббускор (буортмачи) томонидан мазкур Низом талаблари бажарилмаган, шу жумладан тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган тақдирда, Марказ ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин кўпи билан уч кун ичида ёзма равишда номувофиқликлар ҳақидаташаббускор (буортмачи)га хабар беради. Ушбу ҳолатда ташаббускор (буортмачи) қайта ишланган ва тўлдирилган ҳужжатларни тақдим этган кун экспертизадан ўтказиш муддатининг бошланган санаси ҳисобланади.

17. Марказ ҳужжатларни экспертизадан ўтказишда қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Зарур ҳолларда шартнома асосида давлат ва нодавлат ташкилотлар, шу жумладан, лойиҳа институтлари, инжиниринг ва консалтинг компаниялари, илм-фан ва таълим муассасалари, шунингдек, ҳалқаро ташкилотлар, хорижий ва миллий компаниялар мутахассисларини жалб қилиш;

экспертиза ишларини олиб бориш учун зарур бўлган вазирликлар ва идораларнинг фаолиятига дахлдор тегишли маълумотлар ва материалларни улардан сўраб олиш;

киритилган ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни ташаббускор (буортмачи)дан сўраб олиш.

Марказ техник топшириқлар, лойиҳа олди ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказиш бўйича ишлар ва хизматларни субпудрат шартлари асосида бошқага бериш ҳуқуқига эга эмас.

18. Экспертизага тақдим этилган ҳужжатлар сифати учун жавобгарлик ташаббускор (буортмачи), ишлаб чиқувчи ва ТИТҚ зиммасига юкланади.

19. Ташаббускор(буортмачи)га экспертиза ўтказиш якунлари бўйича ушбу Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда хulosса тақдим этилади.

20. Эътиrozлар юзага келган тақдирда ташаббускор (буортмачи) уларни бартараф этади ва қайта ишланган ҳужжатларни тақрорий экспертизадан ўтказиш учун, зарур ҳолларда тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда Марказга киритади.

Қайта ишланган хужжатларни экспертизадан ўтказиш учун тўлов ундирилмайди.

21. Эътиrozлар ташаббускор (буюртмачи) томонидан бартараф этилгандা, хужжатларни такрорий экспертизадан ўтказиш ўн беш иш кунидан ошмаган муддатда амалга оширилади.

22. Қайта ишланган хужжатларни экспертизадан ўтказиша ташаббускор (буюртмачи)га аввал берилган хулосада кўрсатилмаган янги асослар бўйича эътиrozлар билдиришга йўл қўйилмайди, аввал берилган эътиrozларни бартараф этиш доирасида қўшимча равишда тақдим этилган материаллар билан боғлиқ эътиrozлар бундан мустасно.

23. Ташаббускор (буюртмачи) Марказнинг ижобий хулосаси асосида:

а) техник вазифа бўйича — ушбу техник вазифани тасдиқлайди;

б) лойиҳанинг ТИА/ТИҲК бўйича — ушбу Низомнинг 6-иловасига мувофиқ шаклда лойиҳанинг ТИА/ТИҲК параметрларини тасдиқлашга доир қарор лойиҳасини тайёрлайди ва белгиланган тартибда киритади;

24. Лойиҳа ТИА/ТИҲК Марказнинг ижобий хулосаси олингандан сўнг бир йил давомида тасдиқланмаган тақдирда, лойиҳа олди хужжатлари ушбу Низомда белгиланган тартибда такроран экспертизадан ўтказилиши лозим.

#### **4-боб. Лойиҳаларнинг тасдиқланган ТИА/ТИҲКга ўзгартиришлар (тузатишлар) киритиши тартиби**

25. Лойиҳаларнинг тасдиқланган ТИА/ТИҲКга ўзгартиришлар (тузатишлар) киритиши учун қўйидагилар асос бўлади:

қўшимча молиялаштириш (қарзлар/кредитлар) жалб этиш зарурати;

ложиҳанинг қиймати, молиялаштириш манбалари ва шартларида юз берган ўзгаришлар, башарти бу ўзгаришлар лойиҳанинг молиявий самарадорлигининг ёмонлашувига олиб келса;

ложиҳанинг ТИА/ТИҲК асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларига таъсир қилувчи техник-технологик ечимларида ўзгаришлар юз берса (қиймат кўрсаткичларининг пасайиш ҳолатлари бундан мустасно);

Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг алоҳида қарорларига мувофиқ лойиҳанинг тузатилган ТИА/ТИҲК ишлаб чиқиш кўзда тутилган бошқа ўзгартиришлар.

Лойиҳани амалга оширишни якунлаш натижалари бўйича ТИА/ТИҲК лойиҳаларига ўзгартиришлар (тузатишлар) киритишига йўл қўйилмайди.

26. Лойиҳаларнинг тасдиқланган ТИА/ТИҲКга ўзгартиришлар (тузатишлар) киритиши ташаббускор (буюртмачи) томонидан лойиҳанинг белгиланган тартибда тузатилган ТИА/ТИҲК ишлаб чиқилган ҳолда амалга оширилади.

Агар лойиҳанинг аввал тасдиқланган ТИА/ТИҲК бўйича Марказ хулосаси берилган бўлса, лойиҳанинг тузатилган ТИА/ТИҲКни экспертизадан ўтказиш учун тўлов ундирилмайди.

27. Лойиҳанинг тузатилган ТИА/ТИҲКни экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш ушбу Низомда ўрнатилган тартибда бажарилади.

28. Лойиҳанинг ТИА/ТИҲКга Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг алоҳида қарорларига мувофиқ лойиҳа қийматини камайтириш нуқтаи назаридан (ложиҳанинг асосий техник-технологик кўрсаткичлари сақланган ҳолда) ўзгартиришлар киритилган тақдирда, лойиҳа ТИА/ТИҲКга ўзгартиришлар (тузатишлар) киритиши талаб этилмайди.

#### **5-боб. Якунловчи қоидалар**

29. Марказнинг мансабдор шахслари хужжатларни комплекс экспертизадан ўтказиш натижаларининг ҳаққонийлиги ва холислиги учун жавобгардирлар.

30. Ушбу Низомни қўллаш масалалари бўйича баҳслар ва келишмовчиликлар белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

31. Ушбу Низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади.



*LexUZ шарҳи*

*1-илова норасмий таржима.*

Инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларнинг лойиҳаолди ва лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш, комплекс экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Низомга  
1-ИЛОВА

**Инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларнинг лойиҳаолди ҳужжатларини ишлаб чиқиш, комплекс экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш**

**СХЕМАСИ**

Босқичлар	Т/п	Тадбирлар	Муддатлар	Масъул ижрочилар
<b>1-bosqich. Лойиҳанинг ТИА(ТИҲҚ)ни ишлаб чиқиш учун техник топшириқ (ТТ) ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш</b>	1.	Лойиҳанинг ТИА(ТИҲҚ)ни ишлаб чиқиш учун ТТ ишлаб чиқиш, уни ТИТҚ билан келишиш ва Марказга киритиши		Лойиҳа ташаббускорлари (буюртмачилари), ТИТҚ
	2.	Техник топшириқни экспертизадан ўтказиш ҳамда ижобий хулоса ёки эътиrozлар бериш	Кўпи билан 15 иш куни	Марказ
	3.	Келтирилган эътиrozларни бартараф этиш ва техник топшириқни Марказга такroran киритиши		Лойиҳа ташаббускорлари (буюртмачилари), ТИТҚ
	4.	Тузатилиб, киритилган техник топшириқни кўриб чиқиш ва хулоса бериш	Кўпи билан 15 иш куни	
<b>2-bosqich. Лойиҳанинг ТИА(ТИҲҚ)ни ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш</b>	5.	Лойиҳани амалга оширишни молиялаштиришнинг дастлабки шартлари ва манбаларини хисобга олган ҳолда тасдиқланган ТТ асосида ТИА/ТИҲҚ ишлаб чиқиш		Ташаббускор
	6.	ТИА/ТИҲҚни экспертизадан ўтказиш ҳамда ижобий хулоса ёки эътиrozлар бериш	Кўпи билан 30 иш куни	Марказ

7.	Келтирилган эътиrozларни бартараф этиш ва лойиха ТИА/ТИХҚни Марказга тақороран киритиш		Лойиха ташаббускорлари (буортмачилари), лойиҳалаштириш ташкилоти
8.	Тузатилган ТИА/ТИХҚни экспертизадан ўтказиш ва хулоса бериш	Хужжатлар пакети тўлиқ тақдим қилингандан кейин кўпин билан 15 иш куни	Марказ
9.	Марказнинг ижобий хуносаси асосида лойиха ТИА/ТИХҚ параметрларини тасдиқлаш бўйича тегишли қарор лойиҳасини тайёрлаш	Белгиланган муддатларга мувофиқ	Ташаббускор
10.	Ишчи хужжатлар ҳамда тендер (танлов) ва бошқа хужжатларни тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш		Ташаббускорлар (буортмачилар), масъул органлар



LexUZ шарҳи

*Низомга I-илова норасмий таржима.*

Инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларнинг лойиҳаолди ва лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиши, комплекс экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Низомга  
2-ИЛОВА

«КЕЛИШИЛГАН»

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

20 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_ даги \_\_\_\_-сон

(ташаббускор вакилининг Ф.И.Ш., лавозими)

ТИТК йигилиши баённомаси асосида

(имзо)

М.Ў. 20 \_\_\_\_ й. « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

(инвестиция/инфратузилма лойиҳасининг номланиши)

**Лойиҳа учун техник-иктисодий асослар ва техник-иктисодий ҳисоб-китобларнинг  
(ТИА/ТИХҚ)**

**НАМУНАВИЙ ТУЗИЛИШИ**

**Лойиҳа ТИА/ТИХҚ мундарижаси:**

1. Лойиҳанинг қисқача мазмуни;
2. Кириш;
3. Маркетинг бўлими;
4. Техник-технологик бўлим;
5. Экологик бўлим;
6. Институционал бўлим;
7. Архитектура-курилиш бўлими;
8. Молия бўлими;
9. Иқтисодий бўлим;
10. Ижтимоий бўлим;
11. Лойиҳа бўйича умумий хулосалар;
12. Иловалар.

**Лойиҳанинг қисқача мазмунида қўйидагилар келтирилиши лозим:**

лойиҳанинг номланиши;

ташаббускор номланиши;

лойиҳанинг ҳисоб-китоб қилинган умумий қиймати (АҚШ долларида ёки АҚШ доллари эквивалентида);

лойиҳа кўлами, шу жумладан, унинг қуввати;

лойиҳанинг таркибий қисмлари — ҳар бирининг нархлари кўрсатилган ҳолда;

лойиҳа амалга ошириладиган жой (вилоят, шаҳар);

лойиҳанинг мақсади ва вазифалари, шу жумладан миқдорий ифодаланган шаклда;

асосий фойда кўрувчилар акс эттирилган ҳолда, мақсадли гурухлар;

молиялаштириш манбалари ва схемалари;

молиялаштириш йиллар кесимида кўрсатилган ҳолда лойиҳанинг амалга ошириш даври.

Киришда лойиҳа амалга оширилаётган жойдаги мавжуд сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, табиий-икклим, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар тавсифланади, шу жумладан, кўрсаткичлар, инфратузилма билан таъминланганини, инвестиция иқлими ва кўзда тутилаётган жойни тавсифловчи бошқа ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ва лойиҳанинг таъсири доираси акс эттирилади. Ушбу бўлимда лойиҳадан кўзланган мақсаднинг Тармоқни ривожлантириш концепциясига мувофиқлигини асослантириш зарур, шунингдек, лойиҳадан кўзланган мақсадга эришишнинг барча йўллари кўрсатилиши ва лойиҳанинг кейинги бўлимларида уларнинг ҳар бири бўйича қиёсий таҳлил ўтказилиши талаб этилади.

Маркетинг бўлимида лойиҳада кўзда тутилаётган маҳсулот (хизмат)га бўлган мавжуд ва истиқболдаги (лойиҳанинг яшаш даври мобайнида) талабга баҳо берилади.

Ушбу бўлимда қўйидагилар акс эттирилиши лозим:

маҳсулот (хизмат)нинг бозордаги, шу жумладан экспорт ҳажмлари ва нархлари таҳлилини ҳисобга олган ҳолда талаб таҳлили (унинг тенденциялари);

талабнинг миқдор кўрсаткичларини баҳолаш ва асослантириш, унинг тенденциялари ва маҳсулот (хизмат) нархлари ёки ижтимоий хизматларга эҳтиёжни баҳолашни ўзида акс эттирувчи лойиҳадан кўзланган ижтимоий-иқтисодий фойда таҳлили;

хом ашё, материаллар ва лойиҳанинг ишлаши билан боғлиқ бошқа ишлаб чиқариш омиллари таҳлили;

loyiҳaniнг амалга ошириш доирасида харид қилинадиган товарлар, ишлар ва хизматлар бозорлари ва нархлари таҳлили. Бу ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар, уларнинг етказиб бериш нархлари, сифати ва шартлари, шунингдек, лойиҳа эҳтиёжларини қондириш имкониятларини қиёсий таҳлил қилишни назарда тутади;

ушбу соҳадаги мавжуд обьектлар ишини таҳлил қилиш, шу жумладан ракобатчиларни таҳлил қилиш;

маҳсулот (хизматлар)ни сотишга кўмаклашиш бўйича тавсия этиладиган тадбирлар;

loyiҳaniнг худуд инфратузилмасига ва тармоқ (турдош тармоқлар) ривожига таъсирини баҳолаш;

тижорат хавф-хатарлари, хатарларнинг асосий белгиловчи омиллари, ўзгаришларнинг тахминий хусусиятлари ва кўлами, хатарларни камайтириш бўйича кўзда тутилган тадбирлар;

камидаги 3 та компаниянинг тиҷорат таклифлари (прайс-вараклар ва бошқалар) асосида харид қилинаётган ускуналар нархини асослантириш;

лойиҳанинг муҳандислик иншиотлари билан таъминланганлик даражаси, яъни мавжуд транспорт йўлаклари ва воситалари, энергия, иссиқлик, сув ва оқова тармоқлари таъминоти, омборхоналар;

маркетинг тадқиқотларида фойдаланилган ахборот манбалари ва уларни ўтказиш методикаси.

**Техник-технологик бўлим** лойиҳанинг амалга оширишнинг турли технологик ечимларини ўзида акс эттириб, унда лойиҳа тузилиши, лойиҳа бўйича техник ечимлар, лойиҳанинг ҳал қилувчи кўрсаткичлари, компонентлари, шунингдек, уларнинг ҳисоб-китоб қилинган қийматлари баён қилинади.

Ушбу бўлимда қуидагилар акс эттирилиши лозим:

ложиҳанинг амалга ошириш бўйича турли технологик ечимлар таҳлили, уларнинг афзаллilikлари ва камчиликлари, танланган варианти асослантириш;

ложиҳа жойлаштириладиган манзил. Бунда лойиҳа учун танланган жой танлови, хом ашё манбалари ва етказиб берувчилари, маҳсулот ва хизматларнинг истеъмолчиларига нисбатан жойлашган масофа, муҳандислик-транспорт (темир йўл магистраллари, автомобиль йўллари, қувурлар, энергетика манбалари ва ҳоказо) ва алоқаинфратузилмасига яқинлик, географик ўзига хосликлар;

ложиҳа қуввати, лойиҳа қувватини ўзлаштириш суръатини тахминий асослантиришни белгилаб берувчи лойиҳа кўлами;

технологиялар ва ускуналар танловини асослантириш, дунё стандартларига мувофиқлиги, шу вактгача фойдаланилётган ускуналар билан технологик мувофиқ келиши, «нарх-сифат» бўйича энг мақбул мувофиқлик, технологиялар ва ускуналар танловининг муқобил варианtlари, инновацион ускуналарни қўллаш, лойиҳада сифат кўрсаткичларидан фойдаланилиши, лойиҳага қўйиладиган техник ва технологик талабларни белгиловчи норматив ҳужжатлар;

хатарларнинг асосий омилларини белгиловчи техник хатарларни баҳолаш, ўзгаришларнинг тахминий хусусиятлари ва кўлами, хатарларни камайтириш бўйича кўзда тутилган тадбирлар.

Лойиҳа ва техник ечимларни танлашда фақатгина салбий экологик таъсири энг кам ва ижтимоий-иктисодий самараси энг юқори бўлган ечимлар танлаб олинади.

**Экологик бўлимда** лойиҳанинг экологик жиҳатлари акс эттирилади. Ушбу бўлимда қуидагилар акс эттирилиши лозим:

ложиҳанинг атроф муҳит ҳолатига таъсирини баҳолаш, лойиҳанинг амалга ошириш натижасида етказиладиган экологик зарар миқдорини баҳолаш ва Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси хулосасини инобатта олган ҳолда, унинг салбий таъсирини камайтириш бўйича кўзда тутилаётган чора-тадбирлар;

ҳам худудда, ҳам бутун мамлакатдаги экологик вазиятни яхшилаш учун лойиҳада назарда тутилаётган чора-тадбирлар ва уларнинг миқдор кўринишидаги натижалари.

**Институционал бўлим** лойиҳанинг бутун яшаш даври давомида уни бошқариш схемасини ўз ичига олган бўлиши ҳамда ҳуқуқий асослар, бошқарув тузилмаси ва молиявий харажатлар баҳоси тасвиrlаниши лозим. Лойиҳанинг амалга оширишда иштирок этувчиларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати, харажатлар, фойда ва мажбуриятлар тақсимоти, шунингдек, институционал хавф-хатарлар, хатарларнинг асосий омилларини белгиловчи жиҳатлар, ўзгаришларнинг тахминий хусусиятлари ва кўлами, хатарларни камайтириш бўйича кўзда тутилган тадбирлар.

Архитектура-курилиш бўлимида қуидагилар акс эттирилиши лозим:

Вазиятни режалаштириш:

қурилиш майдони (трассаси)нинг шаҳарсозлик талаблари, туманни режалаштириш лойихалари, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларига мувофиқ ҳолда жойлаштириш схемалари, тармоқлар, темир ва автомобиль йўллари, нефть ва газ қувурлари, энергия тизимлари, алоқа тармоқларини инобатга олган ҳолда худудни архитектура-режалаштириш лойихалари баёни;

Бош режа схемаси, бино ва корпуслар жойлашуви:

бош режа, майдондаги ички ва ташки транспорт бўйича ечимлар, асосий режалаштириш ечимлари, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича тадбирлар, муҳандислик тармоқлари ва коммуникацияларни жойлаштириш, корхонани қўриқлашни ташкил қилиш бўйича ечимлар, асосий кўрсаткичлар (худуд майдони, қурилишлар, кириш йўллари ва майдончалар, дараҳтлар, йўллар ва коммуникацияларнинг узунлиги, бинолар зичлиги ва бошқалар) баёни;

Қурилиш майдони (трассаси)нинг тавсифи:

муҳандислик-геологик, муҳандислик-гидрометеорологик (иқлим) шарт-шароитлари, қурилиш майдонининг сейсмик хусусияти ва бошқалар тўғрисидаги маълумотлар.

Асосий ҳажм-режалаштириш ва конструкция ечимлари, уларнинг хусусиятлари:

асосий бино ва иншоотлар бўйича конструкция ечимларини шаҳарсозлик талабларига мувофиқ асослантириш ва уларнинг баёни;

таъмирланадиган бино ва иншоотларни техник текширувдан ўтказиш ва уларнинг юк кўтариш имконияти ҳолати тўғрисидаги хulosалар асосида ушбу бино ва иншоотларнинг таянч конструкцияларини таъмирлаш-тиклаш ишлари ёки уларни кучайтириш йўллари бўйича техник ечимлар баёни;

ишчиларга санитар-маиший хизмат кўрсатиш бўйича ечимлар баёни;

қурилишдаги маҳсус тадбирлар баёни (объектнинг портлаш ва ёнгин хавфсизлиги, қурилиш конструкцияларини нурашдан ҳимоялаш, шовқин ва титрашдан ҳимоялаш, чўкишга, зилзилага қарши ва бошқа тадбирлар);

ишчилар саломатлигини муҳофаза қилиш ва аҳолининг имконияти чекланган қатлами хаёти фаолияти учун шарт-шароитларни таъминлаш (зарурат бўлганда) бўйича ечимлар;

Участкани тайёрлаш ва ўзлаштириш:

қурилишни лойихада белгиланган муддатларда амалга ошириш, майдонда ички ва ташки тайёргарлик ишларини бажаришга ёрдам берадиган ташкилий ва техник чора-тадбирлар баёни.

Муҳандислик ускуналари, тармоқлари ва тизимлари:

муҳандислик тармоқлари, коммуникациялари ва иншоотлари (сув таъминоти, оқава тармоқлари, электр таъминоти, газ таъминоти, иссиқлик таъминоти, ёнгинни ўчириш, ҳаво айланиши, алоқа, хабар бериш тизими ва ҳоказо) бўйича технологик ва техник ечимлар баёни, асосий кўрсаткичлари;

муҳандислик иншоотлари (сув таъминоти, оқава тармоқлари, электр таъминоти, газ таъминоти, муҳандислик тармоқларида диспетчерлик, автоматлаштириш ва бошқариш, электр ускуналар, электр ёритиши, чақмоқдан ҳимоя, қўриқлаш ва ёнгинга қарши хабар бериш тизимлари, алоқа воситалари ва ҳоказо) бўйича муҳим ечимлар ва параметрлар.

Қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг пул ифодасидаги қиймати:

ўхшаш лойихалар, оммавий лойихалар, такроран қўлланиладиган якка тартибдаги лойихалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган вариантларни, тижорат таклифлари асосида ва (ёки) қабул қилинган лойиха ечимлари бўйича қурилиш чизмалари, нуқсон далолатномалари, жисмоний ишлар ҳажмлари асосида қурилиш-монтаж ишларининг чегараланган қиймати ҳисоб-китоблари;

Архитектура-қурилиш бўлимiga иловалар ичида қуйидагилар тақдим этилади:

мавжуд ва лойихалаштирилаётган ташки коммуникациялар, муҳандислик тармоқлари ва тураг жойлар учун мўлжалланган худудлар, санитар ҳимоя зоналари, алоҳида

муҳофаза қилинадиган худудларнинг чегаралари, трассалар режаси (чизиқ бўйлаб жойлашган иншоотлар учун) кўрсатилган ҳолда қурилиш майдонининг жойлашув схемаси;

мавжуд, лойиҳалаштирилаётган, реконструкция қилинадиган ва бузилиши керак бўлган бино ва иншоотлар, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш жойлари, майдон ичидаги муҳандислик тармоқлари ва транспорт коммуникациялари бўйича муҳим ечимлар чизилган, ишга тушириш мажмуаларига кирувчи объектлар ажратиб кўрсатиладиган бош режа схемаси;

асосий юк кўттарувчи ва тўсиқ конструкцияларни схемада акс эттирган ҳолда асосий бино ва иншоотларнинг режалари, кесимлари ва олд томони;

муҳандислик коммуникацияларини улаш (олиб ўтиш) учун техник шартлар; муҳандислик тармоқларининг принципиал чизмалари; техник кўрсаткичлари акс эттирилган ҳолда, лойиҳада қабул қилинган ускуна ва материаллар рўйхати;

Смета хужжатлари қўйидагилардан иборат бўлади:

реестр (ложиҳанинг рақамланган бетлардан иборат маҳаллий смета ҳисоб-китоблар бўйича мундарижаси);

қурилиш қийматини ҳисоблаш методикаси кўрсатилган тушунтириш хати;

қийматнинг йиғма смета ҳисоб-китоблари (қурилишнинг бошлангич баҳоси, объектнинг батафсил йиғма ҳисоб-китоблари, контракт-шартнома бўйича нархлар);

ложиҳада кўзда тутилган барча объектлар бўйича маҳаллий ресурс сметалари ва маҳаллий ресурс ведомостлари;

бошқа харажатлар ва (пудрат ташкилоти белгиланган тақдирда) давлат экспертизасидан ўтказилган машина ва механизmlарни ишлатиш қиймати ҳисоб-китоблари.

Смета хужжатлари 1 нусхада, таҳрир қилиш имконияти бўлган электрон шакли билан бирга тақдим этилади.

**Молия бўлими** молиявий харажатлар ва даромадларнинг дастлабки баҳолари ва асосларини, лойиҳани молиялаштиришнинг муқобил схемалари ва манбаларини, шунингдек, лойиҳани амалга оширишнинг молиявий самарадорлигини баҳолаш, молиявий моделини ўзида акс эттиради. Ушбу бўлимда қўйидагилар акс эттирилиши лозим:

ложиҳанинг амалга ошириш йиллари ва технологик босқичлари бўйича инвестиция даври, лойиҳа доирасидаги чора-тадбирларнинг кетма-кетлиги ва давомийлиги тасвирий кўринишда, вақт бўйича (график-режа), молиялаштириш манбалари ва ҳажмларини инобатга олган ҳолда акс эттирилган лойиҳани амалга оширишнинг батафсил графиги;

инвестиция харажатларининг умумий ҳисоб-китоби, молиялаштириш эҳтиёжларининг лойиҳа босқичлари ва молиялаштириш ҳажмлари бўйича тақсимоти;

ишлаб чиқариш харажатлари (эксплуатация харажатлари) ҳисоб-китоби;

ложиҳанинг бошқа харажатлари ҳисоб-китоби;

ложиҳанинг қўйидагиларни ўз ичига олган молиявий кўрсаткичлари;

маҳсулот таннархи, тарифлар, маҳсулот (хизмат)нинг чиқиш нархи ҳисоб-китоби;

савдолардан келадиган тушум ҳисоб-китоби, тақсимланмаган ва соф фойда ҳисоб-китоби;

пул маблағлари оқимининг йиғма ҳисоб-китоби;

дисконт усуллари ёрдамида лойиҳани таҳлил қилиш, шу жумладан соф дисконт даромад (NPV), фойдалиликнинг ички нормаси (IRR), дисконтланадиган фойда ва харажатлар нисбати (B/C), харажатларни қоплашнинг дисконтланган муддатини ҳисоблаш;

ложиҳа ликвидлиги таҳлили;

кредит ёки бюджет маблағларини олаётган лойиҳа иштирокчиларининг сўнгти икки йил учун бухгалтерлик ҳисботи шакллари;

кредит ёки бюджет маблағларини олаётган лойиҳа иштирокчиларининг жорий молиявий ҳолати, шу жумладан:

корхонанинг ликвидлигини баҳолаш;

корхонанинг мустақиллигини баҳолаш;

ўз маблағларининг даромадлигини баҳолаш;

киритилган маблағларнинг даромадлилигини мажбуриятларни инобатга олган ҳолда баҳолаш;

молиялаштириш схемаси, манбалари ва шартлари, шунингдек, уларнинг муқобил варианatlари;

молиявий хавф-хатарларни баҳолаш, хатарларнинг асосий омилларини белгиловчи жиҳатлар, ўзгаришларнинг тахминий хусусиятлари ва кўлами, хатарларни камайтириш бўйича кўзда тутилган тадбирлар.

**Иқтисодий бўлимда** лойиҳанинг бутун республика ёки худуд иқтисодиёти нуқтаи назаридан таҳлили акс эттирилади. Ушбу бўлимда қуидагилар кўрсатилиши лозим:

лоиҳанинг иқтисодий фойда ва харажатларини баҳолаш, шу жумладан лойиҳа натижалари, оқибатлари ва таъсири таҳлили, сарф-харажатлари ва ўлчаб бўлмайдиган фойдалари, қўшилган фойдалар ва сарфлари, қайтариб бўлмайдиган сарф-харажатлари, ташки таъсиirlар, лойиҳадан келадиган билвосита фойдани баҳолаш;

тармоқларни ривожлантириш Концепциялари доирасида, лойиҳани ва ишлаб чиқариш кучларини оптимал жойлаштириш, мавжуд қувватлардан фойдаланиш, шунингдек, хом ашё ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот бозори конъюнктураси билан узвий боғлиқликда лойиҳани амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги.

**Ижтимоий бўлим** лойиҳанинг ижтимоий жиҳатларини ва уни амалга оширишдан бенефициарлар кўрадиган фойдани ўзида акс эттиради. Ушбу бўлимда қуидагилар кўрсатилиши лозим:

лоиҳанинг меҳнат ресурсларига эҳтиёжи ва унинг аҳоли бандлигига таъсири;

ишчилар ва мутахассисларни ўқитиши ва қайта тайёрлаш дастури;

меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги нормалари;

мавжуд қувватлардан фойдаланиш ва уларни оптимал жойлаштириш доирасида лойиҳанинг қабул қилинган ҳукумат қарорлари ҳамда тармоқлар, худудлар бўйича ижтимоий соҳадаги ва «бошқа тармоқлардаги» ривожлантириш Концепцияларига мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда унинг ижтимоий аҳамияти.

**Умумий хulosаларда** лойиҳанинг асосий устунликлари ва камчиликлари, лойиҳани амалга оширишнинг энг мақбул вариантини танлаш бўйича хulosалар ва тафсилотлар, бошқа хulosалар акс эттирилади.

**ТИА/ТИҲҚга қуидагилар илова қилиниши лозим:**

юридик хужжатлар, шу жумладан:

корхонанинг устави ва таъсис шартномаси;

лицензия (агар ушбу фаолият тури Maxsus лицензия талаб қилувчи айrim фаолият турлари рўйхатига кирадиган бўлса);

амалга оширилаётган ва амалга ошириш режалаштирилган лойиҳаларни инобатга олган ҳолда, корхона (қарз олувчи) бўйича лойиҳани молиялаштириш учун ўз маблағлари етарли эканлигини асословчи пул маблағлари оқими прогнози;

харид қилинаётган ускуналар бўйича тижорат таклифлари (прайс-вараклар ва бошқалар) ва/ёки тузилган шартномалар (улар мавжуд бўлганда);

корхонанинг (карз олувчи, инвесторлар, кафиллар, лойиҳа бўйича кафолат берувчилар) давлат солиқ хизмати органлари томонидан тасдиқланган сўнгги 2 йил учун тўлиқ йиллик бухгалтерлик ҳисботи;

хорижий шериклар (таъсисчилар) тўғрисида маълумот;

Экология ва атроф муҳитни муҳофaza қилиш давлат қўмитасининг хulosаси; бошқа хужжатлар.

Инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларнинг лойиҳаолди ва лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиши, комплекс экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Низомга

**«Тасдиқлайман»**

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК директори

20 \_\_\_\_ йил «\_\_\_\_\_»

**бўйича**

(киритилган хужжатлар ва лойиҳа номланиши)

**-сон хулоса**

20 \_\_\_\_ йил «\_\_\_\_\_»

1. Экспертиза ўтказиш учун асос:

2. Лойиҳа ташаббускорининг номланиши ва экспертиза мазмуни:

Лойиҳа ташаббускорининг номланиши	
Киритилган хужжатнинг номланиши	
Лойиҳанинг номланиши	
Лойиҳа ташкилотининг номланиши	

3. Экспертиза ўтказиша фойдаланиладиган хужжатлар ва материаллар номланиши.
4. Асосий техник-иктисодий параметрлар.
5. Экспертиза яқунлари бўйича хулоса ва эътиrozлар.
6. Киритилган хужжатлар бўйича хулоса.

**Марказ Бошқармаси бошлиғи:**

**Марказ бўлими бошлиғи:**

**Мутахассис:**